

МАМЛАКАТДА ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИНИНГ ҲОЛАТИ

Акбаров Бекмурод

Банк-молия ақадемияси (PhD) мустақил тадқиқотчиси

Мўминов Ихтиёр


Сирдарё вилоят транспорт бошқармаси
тариф ва нарх сиёсати бўйича бои мутахассис

Аннотация: Мақолада мамлакатимизга кириб келаётган инвестиция оқимининг бугунги иқтисодиётимизда тутган ўрни ва унинг давлатимиз ривожланишидаги аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: экспорт, импорт, ялпи ички маҳсулот, бозор, ташқи иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий фаолият, ҳалқаро компания, ташқи савдо, инвестиция.

Барчамизга маълум, ислоҳотлар ва янгиланишлар ўз-ўзича амалиётга татбиқ қилинганда, охирги, яъни якуний самара кутилганидек бўлмаслиги ёки кутилган натижага кейинроқ эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун янги иқтисодий тизим ва муносабатларнинг қарор топишида барча тармоқлар керакли даражада хукumat томонидан қўллаб-қувватлаб борилади, бу олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали бўлишини кафолатлайди. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларни босқичма босқич аста-секинлик билан амалга ошириш ва бу жараёнда давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишида ўзига хос туртки бўлиб ҳисобланади. Бу жараён инвестицияларни жалб қилиш ва уларни бошқаришни тартибга солиш борасида кўплаб янги ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим қарорлар қабул қилишни талаб қиласди. “Республика иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида” кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмuni тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил қарашлар ва фикрлар мавжуд. Бу сўзнинг ҳам кенг маъносидан, ҳам тор маъносидан фойдаланиш мумкин. “Инвестиция” тушунчасининг маъно-мазмунига ҳозиргача якуний бир таъриф берилмаган ва иқтисодий фаннинг турли соҳаларида инвестициянинг мақсади, вазифалари,



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

манбайи, маблағ киритиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича таъриф берилмоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиликлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон давлати ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда. Инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестиция жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йифиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда қўпроқ устуворлик кичик бизнес субектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва шу аснода инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқ ва корхона инвестиция сиёсатидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқdir. Ҳудудлар инвестиция сиёсати инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манбаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуйидир. Тармоқ инвестиция сиёсати эса мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, фан-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётiga инвестициялар киритиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт ва алоқа соҳасини янада ривожлантириш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишларга айланди. Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг зарурати қуидагилардан келиб чиқади:

- ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тикилаш ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёхуд умуман янгилашга оид бўлиб қолганлиги;
- саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина заарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;
- республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбайи сифатида камайиб бораётганлиги;
- Ўзбекистоннинг табиий бойликларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш имкониятининг мавжудлиги;

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

- аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги (мехнат ресурслари) ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбайи бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги;

- республика экспортида хомашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлиш зарурлиги ва шу кабилар.

Маҳаллий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларидир.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради ва бу иқтисодиётда янги иш ўринларини ташкил этиш ва ривожланиш гарови бўлиб хизмат қиласди. Иқтисодиётни модернизациялаш шаройитида юртимизга замонавий технологиялар олиб келиб, саноат ишлаб чиқаришини янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини олиб боришни инвестиция фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш нафақат давлат иқтисодиётини юксалтиради, балки аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ҳам катта самара беради. Яъни майший муҳтожликларнинг катта бўлими қаноатлантирилади, ишлаб чиқариш кенгаяди, янги меҳнат кучлари шаклланади, эски ва оғир меҳнат турмушидан янги, енгил ва самарали меҳнат фаолиятига ўтилади. Давлатнинг келажакдаги иқтисодий юксалиш даражасини бугунги жалб қилинган инвестиция лойиҳалари ва инвестицион жараёнлар белгилаб беради. Мамлакатизмизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичида инвестиция сиёсати иқтисодиётдаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Республика иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент шаҳри, 2019-йил 29-апрел.
2. Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пис. – М.: Экономист, 2005. С. 23.
3. Нешитой А.С. Инвестиции. Учебник. 4-е изд. – М.: Дашков и К., 2006. С. 13.
4. Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. С. 11.
5. Подшиваленко и др. Инвестиции. Учеб. пос. 3-е изд. – М.: КНОРУС, 2006. С.